



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
КЕЛАЖАГИ  
БҲҮҚ  
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 17 март, № 51 (3596)

Пайшанба

## САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

ЛЮБЛЯНА, 16 март.  
(ЎЗА махсус мухбири  
Анвар БОБОЕВ хабар  
қилади).


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи олий мартабали меҳмонни "Брдо" қасрида расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Бу ерда икки давлат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон ва Словения Президентлари Ислам Каримов ва Янез Дрновшекнинг яккама-якка суҳбатида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболи, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, сайёҳлик, бизнес вакилларнинг мулоқоти кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, сармоя соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида фикр алмашиб, мавжуд имкониятларни таҳлил этдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўртасида автотомилда йўловчи ва



юкларни халқаро ташиш тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словениянинг Новолубяна банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президент Ислам Каримовнинг Словения пойтахти Любляна шаҳри маъмурияти раҳбари Данич Симшич хоним билан учрашувда тadbirkor-

лик ва сайёҳлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди.

Шу кун Словения Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Словения тadbirkorлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тadbirkor якунида "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Словениянинг "Рене тур" сайёҳ-

лик агентлигининг ҳамкорлиги тўғрисида битим ҳамда "Ўзбекинеест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва Словениянинг экспорт корпорацияси ўртасида факультатив қайта суғурталаш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Президент Ислам Каримовнинг Словения расмий ташрифи давом этмоқда.

СУРАТДА: ташриф пайти. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

### Уй-жой мулкдорлари учун семинар

Тошкентда «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги ва Урбан институт ҳамкорлигида «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарув ривожоти» лойиҳаси доирасида уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур анжуман мамлакатимиз Президентининг уй-жой коммунал хизмат тармоғидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига қаратилган «Уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тadbirkorлари тўғрисида»ги ҳамда «Тарифларнинг асосий оширилишига йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тўловларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалда оширишдаги масъулиятини ошириш бўйича чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги қарорларига бағишланди.

Шунингдек, тadbirkor иштирокчилари қайта тузилаётган уй-жой мулкдорлари ширкатларини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари билан танишдилар. Семинарда давлат ҳокимият идоралари, оммавий ахборот воситалари, «Мулоқот» клуби, ўқув марказлари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.



### Миллий банк: НУФУЗИ ҲАМОН ЮҚОРИ ДАРАЖАДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кенгаши ва бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда банкнинг 2004 йилдаги иши якунлари кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида-

ги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидландики, Миллий банкнинг 2004 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт жўшқин ривожланиши, ислохотлар чуқурлашиши жараёнида ўз фаолиятини олиб борди. Қулай макроеқтисодий шароитнинг муваффақиятли ишлатиш учун кенг имконият яратди. Бу им-

кониятлардан мақбул даражада фойдаланилган туфайли йил муҳим натижалар билан якунланди. Бу ҳолат фақат Ўзбекистон Республикасида эмас, айни пайтда Марказий Осиёда ҳам банкнинг етакчи кредит-молия муассасаси сифатидаги обрўсини янада мустаҳкамлади.

(Давоми 3-бетда).

### Ўқувчиларга сара уруғлик

Марҳаматликлар жорий йилда ўз далаларида пахтанинг «Бухоро-102», «Фўқўғор-2», «С-652» сингари истиқболли навларини парвариш қилишни режалаштирган. Ўтган кунда деҳқонлардан 21023 тонна саноат хомашёси қабул қилиб олган «Ўқчи» пахта тозалаш ва қайта ишлаш корхонасида 430 тонна сара уруғлик чигит экиш масъумига тайёрлаб қўйилди. Шунингдек, 2696 тонна тола шартномага асосан хорижа экспорт қилинди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Жойлардан хабарлар

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Жиззах вилояти бўлимида бўлиб ўтган семинар «Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг иштироки» мавзусига бағишланди.

Журналистлар учун семинар

Тadbirkor республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда АҚШнинг Халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан молиялаштирилган Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг (СФУ) қўллаб-қувватлаш Дастурининг ишлаб чиқаришдаги ўрни, муваффақиятлари ва муаммолари ҳақида мунозаралар, ўзаро фикр алмашувлар бўлди.

Семинарда америкалик фермер Морлен Уайтнинг иштироки, СФУлар фаолиятида хориж тажрибалари ҳақидаги давра суҳбати ҳам барча учун қизиқarli бўлди.

Бохриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Жамғарманинг байрам совғалари

Чирчиқ шаҳрида «Камалак жилоси» болалар расмлари кўрик-танлови ўтказилди.

Танловга «Соглом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими хомийлик қилди. У Тошкент вилоятидаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган

Рангтасвирга огоҳлик, ҳушёрлик

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Наманган вилояти бўлими ташкил этган бадий рангтасвир асарлари кўргазмаси шу куннинг долзарб мавзуси — огоҳлик ва ҳушёрлик, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

Унда бўлим жамоаси билан бирга Наманган Давлат университети ҳамда вилоятдаги санъат коллежи ҳаваскор расомларининг юзга яқин ижод намуналари намойиш этилди. Мўйқалам соҳиблари ўз асарларига аср вабоси ҳисобланган гийҳандлик, терроризм, диний экстремизмнинг жамиятимиз, хусусан, ёшлар ҳаётига фожали таъсирини моҳирлик билан сингдирганлар.

### Футбол Ютамыз деб ўйлагандик ...

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари учрашувида «Пахтакор» жамоаси ўз майдонда Ироқнинг Ўн қарра чемпиони «Ал-Завра»ни қабул қилди. Эзолатиб ўтамыз, ҳамюртларимиз биринчи учрашувни сафарда Сурия чемпиони «Ал-Жаиш» клуби билан ўтказиб 2:0 ҳисобда зафар кўчишганди. Ироқ чемпиони эса ўз майдонда Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоасига 2:3 ҳисобда имкониятни бой берганди. Шунинг учун учрашувда мутахассислар устунлик майдон эгалари томонидан бўлиши ҳақида фикр билдиришганди. Лекин, бу башорат ўзини оқламади. Мамлакатимиз чемпионининг ўйин бошидан йўл қўйган қўпол хатолари ва рақибни менимаслик эвазига 1:2 ҳисобда имконият бой берилди. Шу кун Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси ҳам Бирлашган Араб Амириликларининг «Ал-Аҳли» клубига 0:3 ҳисобда мағлубиятга учради.

З. ЖОНИБЕКОВ.

### Жаҳон 24 соат тицида



Етақчилар билан музокара

Фаластин маъмурияти раҳбари Махмуд Аббос мухториятда фаол равишда террор гуруҳлар етақчилари билан Қоҳирада учрашиб, Исроил билан эришилган тинчлик битими юзасидан музокаралар олиб борапти.

Музокаралар ҳафта охирига қадар чўзилиши мумкин. ХАМАС вакилининг маълум қилишича, ташкилот тўлиқ тинчликка эришилишини рад этмоқда. Унинг сўзларига қараганда, ХАМАС ўт очишни тўхтатишни яна бир неча ойга узайтириши мумкин. Фаластининг турли гуруҳлари Исроилнинг тинчлик йўлидаги қадамларидан қониқмаяпти.

Ўз ихтиёрига қўра

Боливия Президенти Карлос Меса мамлакатда ўз урнига зудлик билан сайлов ўтказиш таклифини билдирди. Ҳали унинг мuddати тугашига икки йил бор. Мамлакатда бўлиб ўта-

ётган оммавий норозилик намойишларидан сўнг у шундай ташаббус билан чиқди. Аҳолининг аксарияти Меса сўбасини унчалик маъқулламайпти. Бундан ташқари, муҳолифатчилар Президентни хорижликлар томонидан мамлакат табиий ресурслари арзонга ўзлаштирилишига йўл қўйиб бераётганликда айбламоқда. Меса мамлакат конгрессига мурожаат қилиб, сайловларни август ойида ўтказилишини сўради.

45 кунга қамалди

Америка армияси лейтенанти Жек Савил 45 кунга озодликдан маҳрум этилди. У ироқлик фуқароларни ҳўрлашда қатнашганликда айбланди. 2003 йил декабрь ойида Балад шаҳрида америкалик ҳарбийлар икки ироқликни қамалди.

Ўз ихтиёрига қўра

Боливия Президенти Карлос Меса мамлакатда ўз урнига зудлик билан сайлов ўтказиш таклифини билдирди. Ҳали унинг мuddати тугашига икки йил бор. Мамлакатда бўлиб ўта-

Хукуматимизнинг таълим тизимини ривожлантиришга эътибори катта. Ҳўш, бу ислохотлар оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилмапти? Ҳаётга татбиқ қилинаётган янгиликлар қандай акс эттириляпти? Тadbirkor да ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида журналистларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди. Хусусан, бу борада ҳаққоний маълумотларга таянган ҳолда ишлаш фойдалан холи бўлмаслиги таъкидланди.

Семинар-тренинг сўнггида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида «Таълим-тарбия мавзусини ёритувчи журналистлар кенгаши» тузилганлиги эълон қилинди.

Қобил ХИДИРОВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси.

## Наврўз Ва қалбдаги кўмсаиш

Мақолалардан бирининг муаллифи — кўп йиллардан бўён Германияда истиқомат қиладиган журналист Лариса Вартанова ўзининг Тошкентда кечирган йиллари ҳақида тўхталиб, жумладан, «Ёшлигимга ошно бўлган шаҳри азим — Тошкентни кўмсаишлигимнинг сираям чораси йўқ, — деб ёзади «Тошкент, баҳор, Наврўз» сарлавҳали мақолисида. У кўҳна ва ҳаммаша навқирон, бугунги кунда миллий ва замонавий маданиятни ўзи-

да бирдек муҳассам этган гўзал Тошкентни «Шарқнинг ганжиниси», деб атайди. 21 март кун кириб келадиган баҳор айёми — Наврўзи олам кезлари барча гина-кудуратлар кечирилади, ўзаро араз-андухлар барҳам топади. Хар бир оила дастурхони турли миллий таомлар ва ширинликларга тўлади. Таомилга қўра, байрам олдидан катта қозонда сумалак пишириш Ўзбекистонда анъана тусини олган». Л.Вартанова ёшлигини кўмсаиш ёзишда давом этар

экан, Ватан ҳақида шундай дейди: «Ўтмишим хотиралари яна ва яна ҳаёлимга босиб келаверади, мен эса нима қиларимни билмай қоламан. Мен бу бетакрор шаҳарни ҳаммаша севганман ва бундан кейин ҳам севиб қоламан, чунки унда Ватан ҳиди муҳассам. У мён учун Ер шаридаги энг гўзал ва қалбимнинг энг тўридан жой олган шаҳардир».

Бахриддин АСЛАНОВ,  
«Жаҳон» АА мухбири  
Берлин.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Таълим жараёни оммавий ахборот воситалари нигоҳида» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

## Таълимдаги ислохотлар — ОАВ нигоҳида

Оммавий ахборот воситаларида таълим соҳасини ёритувчи журналистлар иштирок этган ушбу анжуманда дастлаб халқ таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари Р. Аҳлидиров сўзга чиқди. У «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да белгиланган ишларнинг бориши ҳақида маълумот берди. Дастурга мувофиқ 2005 йилда 51 та мактаб, 2 та педагогика институтлари қуриш, 284 та мактабни капитал қайта тиклаш ва 438 та мавжуд мактаб биносини капитал таъмирлаш ҳамда 322 та мактабни жорий таъмирдан чиқариш бўйича махсус режа ишлаб чиқилган. 2004 йил якунлари бўйича республикамиздаги компютерлаштирилган мактаблари сони

5796 тага етди. Мактабларни дарслиқлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида бу йил 16,6 миллион нусха китоб харид қилиш режага киритилган бўлиб,

Анжуман

дарслиқлар ишлаб чиқариш бўйича махсус комиссия фаолият олиб бормоқда. Лекин мактабларнинг шу бўйича кундаги дарслиқлар билан таъминланганлиги ўртача 82 фоизни ташкил этиб, бу борада ҳам анча муаммолар йиғилиб қолганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, дарслиқларни қозоқ, тожик, туркман ва кирғиз тилларига таржима қилувчи мутахассисларнинг етишмаслиги дарслиқларнинг тўлиқ таъминланишига тўсқинлик қилмоқда.

Кобил ХИДИРОВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси.

Кармана тумани пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб чигит экиш агрегатларини далага олиб чиқди. Эрта экиб, эрта ҳосил етиштириш ҳадисини олган тажрибали пахтакор, бош пудратчи Давроқул Расулов шу кун беш гектар майдонга чигит қадади.

ЕРГА ЧИГИТ ТУШДИ

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари, ширкат хўжалиқлари раислари, фермерлар уюшмалари раҳбарлари, «Пахтасаноат» худудий акционерлик жамияти тизими ходимлари, туманлардаги муқобил машина трактор саройлари бошлиқлари иштирок этган кўргазмали семинарда баҳорги ёрни экиш масъумига сифатли тайёрлаш, техника аҳоли, уруғлик чигит сифати каби масалалар муҳокама этилди.

Бу йил навоийликлар 39 минг 400 гектар майдонга чигит қадашни режалаштирган. Чигит экиш ишлари 15 апрелгача тугалланди.

Ёрқул УМАР,  
ЎЗА мухбири.







**Ўзбекистон — умумий уйимиз**

Ярим аср бўлаптики, мен ўз ҳаётимни Ўзбекистон Фанлар академияси билан боғлаганман. Шу давр ичида бу илмий марказда кўпдан-кўп дўстлар орттирдим. Улардан бири, йирик қорақалпоқ олими, тарих илмининг билимдони, академик Собир Камоловдир.

Қарийб 50 йил давомида С. Камолов билан Фанлар академиясининг барча тадбирларида, каттаю-кичик йиғилишларида, ҳатто халқаро анжуманларда бир сафда туриб катнашганман. Одатда, Фанлар академиясининг Қорақалпоқ бўлимига раҳбарлик вазифасини олиб борадиган шахс сифатида унга биринчилардан бўлиб сўз бериларди. Харгалги унинг нутқ мавзуси маълум: Орол денгизи қисмати! Орол қисмати хусусида гап бошлар ва шу денгиз ҳақидаги фикрлари билан гапини тамом қиларди. Одатда, унинг нутқи оддийгина сўзлардан иборат бўлмас, балки куйина-куйна, ёна-ёна, дилида тугун бўлиб ётган дардларни тўкиб солишдан иборат бўларди. Тўғри, у сўзга уста нотик эмас эди. Бироқ дард ва аламлар ифодаси учун алоҳида нотиклик санъати шарт эмаслигини Собир Камолов нутқидан англаб олганман.

Орол денгизи мен туғилган замин — Хоразм воҳаси учун ҳам чексиз моддий бойлик эди. XX асрнинг 30-йилларини эслайман. Қаттиқ қиш кунлари бешта-ўн та бўлиб арава карвонлари қишлоққа-қишлоқ юришарди. Бу араваларда камидан ярим метр келадиган, матога ўралган тилла ранг сазан балиқлари бўларди.

«Орол балиғи келди-и...» деган овоз қишлоқ бўйлаб тараларди. Эҳтимол, денгиз балиғи бўлгани учун хонадонлар балиқларни талашиб олишарди. Нархи ҳам у даражада қimmat бўлмас эди. Шу йўсин-

да қишлоқларда киши билан балиқхўрлик бўларди. Орол денгизи, хусусан, Жайхуннинг куйи оқимида учрайдиган балиқларнинг сараси Суган ва Бакирани айтмайсизми? Қорақалпоқ бирор жойга кетадиган бўлса, совға излаб юришнинг ҳожати йўқ эди. 4-5

битган катта олим, қанчадан-қанча фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаган устоз.

С. Камоловнинг қорақалпоқ халқи тарихига тегишли туркум муқаммал асарлари борки, улар фақат бу халқнинг эмас, балки бутун Хоразм воҳасининг тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Булар ичида энг муҳимлари «Қорақалпоқ XVIII-XIX асрларда», «Турткўл — Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти», «Қорақалпоғистон тарихи» (1993), «XVI асрнинг иккинчи ярми — XVIII асрларда Қорақалпоғистон» (1993), «Эрназар Олакўз — халқ ботири» (1993), «Вамбери қорақалпоқлар тўғрисида» (1995) ва ҳоказолар.

XX асрнинг иккинчи ярмида қорақалпоқ адабиёти тарихий мавзу катта тараққиёт йўлига тушди. Айтиш кераки, қорақалпоқ адабиётида тарихий жанрни ривожлантиришда Собир Камоловнинг ўрни ва хизмати каттадир.

Академик Собир Камолов шу йўсинда она халқи адабиётининг тараққиётига ҳам ўзининг сезиларли хиссасини қўшди. Унинг тадқиқотлари эса аниқ архив манбалари асосида дунёга келган. С. Камолов илмий ишлари нафақат қорақалпоқ халқининг, айти пайта бутун мамлакатимизнинг бебаҳо маънавий хазиналаридан биридир.

Матқуб ҚўШЖОНОВ, академик.



килограмм келадиган дудланган Суган балиғини кўтариб йўлга чиқаварди. Мезбон учун ундан ортиқ совғанинг бўлиши мумкин эмасди.

Бакира балиғининг ўрни тамом бошқача эди. Унинг увилдириги тилла баҳосида ўлчанарди. Бакиранинг эти эса дунё бўйлаб балиқларнинг ичида энг қimmatлигини Собир Камолов нутқидан англаб олганман.

**«Замин» банки акциядорлари диққатига!**



**«ЗАМИН» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ**

акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши 2005 йил 15 апрель куни соат 10.00да банк биносида ўтказилади.

**КҮН ТАРТИБИ:**

1. Банк фаолиятининг 2004 йил натижалари бўйича банк бошқарувининг ҳисоботи.
2. 2004 йил якуни бўйича банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Банкнинг 2004 йил фойдасини тақсимлаш.
4. 2004 йилдаги молиявий фаолияти, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банклари бирлашиши муносабати билан «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банкни ташкил этиш тўғрисида.
6. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банкларининг бирлашиши тўғрисидаги шартномасини тасдиқлаш.
7. Олди-берди далолатномасини тасдиқлаш.
8. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банклари акциядорларининг қўшма йиғилиши ўтказиладиган сана ва кун тартибини тасдиқлаш.
9. Бошқа масалалар.

Йиғилиш қатнашчилари 2005 йил 15 апрель куни соат 9.00 дан 10.00 гача рўйхатга олинади.

«Замин» банк акциядорлар реестри 2005 йил 16 март ҳолатига ёпилади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 65-62-59, 114-68-19. Манзил: Тошкент ш., П. Ржевский к., 3 уй.

**НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

қўшиқдаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади

- I. Кафедра мудирилари:** тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси (1), ўзбек тилшунослиги (1), мактабгача ва оилавий таълим (1), воқал ва мусиқа ўқитиш методикаси (1).
- II. Профессорлар:** зоология, анатомия ва физиология (1), агропедагогика, экология ва уни ўқитиш методикаси (1), ҳозирги ўзбек адабиёти (1), ўзбек тилшунослиги (1).
- III. Доцентлар:** демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1), умумий педагогика (1), умумий психология (2), фалсафа (1), жисмоний тарбия методикаси ва болалар спорти (1).
- IV. Катта ўқитувчилар:** фалсафа (1), умумий психология (2), жисмоний тарбия ва спорт (1), жисмоний тарбия методикаси ва болалар спорти (1), тиббий билим асослари (1), табиий факультетларда чет тиллар (2), гуманитар факультетларда чет тиллар (1).
- V. Ўқитувчилар:** демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1), умумий психология (1), тиббий билим асослари (1), Ўзбекистон тарихи (2), гуманитар факультетларда чет тиллар (1).

Кафедра мудирилари лавозимига фан доктори, профессор, фан номзоди, доцентлар шайхирок этишлари мумкин.

Танлов нўқдати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кунга

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қўидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 103-уй, ходимлар бўлими.

Мулоқот учун телефон: 55-68-70.

**Истеъдодлар намойиши давом этмоқда**

публика фестивали ўз ишини давом эттирмоқда. Наманган, Самарқанд, Навоий вилоятларида фаолият юритаётган халқ театрларининг «Бевафо отанинг тақдирини», «Бир кам дунё», «Замонанинг синган ойнаси» сингари ўндан ортиқ спектакллар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Қаҳрамонжон Халилов. — Ўзим ҳайдовчиман. Аммо актёрликка ҳам ёшлиқдан ишқим тушиб қолганди. Роллар ўйнасам, ўз истеъдодим билан одамларни койил қолдирсам, деб юрардим. Бугун ниятимга етдим. Шукур Бурҳонов, Соҳра Эшонтураева, Гани Аъзамов сингари улғу санъаткорларнинг қадами теккан муқаддас сахнада туриб роль ижро этдим, бу — мен учун бахт. Қанийди бизникидай халқ театрлари ҳар

бир туманда ташкил бўлса... Чунки жойларда санъат ишқибозлари жуда кўп. Улар халқ театрларига тортилса, янги-янги истеъдодлар кашф қилинади, уларнинг ҳам орзулари ушларди.

— Маъмур фестивалнинг икки томонлама нафи бор деб ўйлайман. Биринчидан, актёрликка лавқатли янги истеъдодлар кашф қилинмоқда. Иккинчидан, кўчиликка таниш бўлмаган каламкашларнинг номлари элга танитилмоқда. Булар жуда яхши. Аммо... Спектакллар фақат фестиваль иштирокчилари ва ҳакамлар хайъатига намойиш қилинмоқда. Фестиваль уч кун эмас, бир ҳафта давом этганда, асарлар қўриғига кенг томошабинлар жалб қилинганда янада ооз бўларди.

С. МУҚИМОВ.

**AVIALEASING**

*Қорриб вапандошлар!*

**«АВИОЛИЗИНГ»**

АВИАКОМПАНИЯСИ

*Сизни қуриб келаятган ботор айём — Наврўз байрами билан чин қоракдан табриқлайди!*

*Барчангизга мустақкам соғлиқ, бахт, омад ва улкан муваффақиятлар тилайди!*

*«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари диққатига!*

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

**КЕНГАШИ**

*сизни қуриб келаятган чин халқ байрами*

**Наврўз**

*билан чин қалбдан табриқлайди.*

2005 йил 22 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАК биносида банк акциядорларининг 2004 йил натижалари бўйича умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

**ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:**

1. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2004 йилги иш якунлари тўғрисидаги банк бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва банкнинг 2005 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида
2. Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Банкнинг йиллик ҳисоботи, 2004 йил 31 декабрь ҳолатидаги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи, банкнинг 2004 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва банкнинг 2004 йилги фойдасини тақсимлаш.
4. Банк устав капиталини кўпайтириш. Эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш.
5. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
6. 2005 йилга банк ташқи аудиторини тасдиқлаш ва уни хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш.
7. Банк кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 (бир) йилга узайтириш масаласи.
9. 2004 йилги иш якунларига кўра банк кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси раисини тақдирлаш.
10. Акция эгаси ёки унинг қонуний вориси томонидан даъво муддати тугаши учун белгиланган муҳлатда талаб қилиб олинмаган дивидендларни банк даромадига (ихтиёрига) ўтказиш тўғрисида.
11. Банк санок комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Банк тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.

Умумий йиғилишда 2005 йил 23 март ҳолатигача ёпилган акциядорлар реестрида мулкый ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк кенгаши йиғилишга акциядорлардан ҳамда акциядорларнинг вакилларидан ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Тегишли ахборот (материаллар) бош банкдан ва банк филиалларидан олиниши мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 120-36-30, 120-45-07.**

*Банк кенгаши.*

Сеҳиб турибман, сарлаваҳани ўқиб ажабланыпсиз. Ажабланман!

Аслида, лолақизгалдоқни ким соғинмайди, дейсиз? Аммо Фарғона тумани маркази Водилда лолақизгалдоқни ҳаммадан ҳам кўп яхши кўрадиган, ҳаммадан ҳам кўп соғиниб яшайдиган бир инсон бор. Бу Абдуқодир ҳожи Қўзибоев. Камтар, камсуқум, ҳалол, фидойи... Қачон қараманг, бошида ўзбек дўпписи, эғнида оҳорлик ятак, белида чорси. Қишин-ёзин оёғида этик, қирқ бир йилдан буён далада: экади-йгади, йиғади-экади. Лекин чарчамайди. Унгида, ўю-ҳаёлида, тушида, туйғусида «оқ олтин». Ватан умборини пахтага тўлдирмай, Ватан хазинасини бойитмай дейди. Аммо Ватан учун пахта етиштиришдан, Ватан учун ишлаган, демайди. Ватанга меври, Ватанга гурури бир бошқача, бу одамнинг.

— Лолақизгалдоқни кўришингиз билан бутун вужудингиз яраб кетади, дейди Абдуқодир ҳожи. — Ўзи бир-икки кун умр кўради, яшайди. Лекин гоат гузал, гоат чиройли. Одамларга қанча секин, сеҳр, қувонч улашади. Баҳор узиз тароватли келмайди, табиат узиз гузал, чиройли бўлмайди. Водийнинг даштдан иборат, тош-шағалли Ямбарак далалари, ён-атрофи, арик ва йўлақлар бўйи қип-қизил лолақизгалдоқларга бурканиб кетади. Эҳ-ҳе, бу манзараларга боқиб тўймайсиз. Кейин... Бу манзара кўз олдингиздан кетмайди. Кейин... Яна то баҳоргача лолақизгалдоқни соғиниб, орзиқиб яшайсиз-да...

Абдуқодир ака юраги тоза, дили пок, тўғри сўз одам. Бундай одамнинг ишини Оллоҳ ҳам доим ярақайверади. 2000 йил эди. Юқоридан бир раҳбар келиши муносабати билан Абдуқодир Қўзибоевни туман ҳокимлигига чақирди. Уша пайтдаги ҳоким унга ҳадеб: «Ҳожи ота, ҳожи ота...» — деб мурожаат қилаверди. Биринчи муовин эса Абдуқодир ақанин ҳажга бормаганлигини билдирибди. Шунда ҳоким: «Агар бу йил пахта режасини



«Ватан гурури» танловига

— Ҳамроби Қорабоева деган опа пудрат бошлиғи эди. Ҳозир 70 дан ошган бўлса ҳам, пиллачилик пудрати бошлиғи. Бир-икки ҳафта далада қолиб кетар эдим. Ер тошшағалли, камқувват, бунинг устига сув масаласи чатоқ. Ер

1968 йили ери 37 гектар бўлса, ҳозир 100 гектардан ошибди. 30 гектар буғдой, 40 гектар пахта, 30 гектар боғроғ. Ахир, бу ерга ер, элга насиба кўшиш дегани эмасми? Ахир, бу ерлар ўз-ўзиндан экинзор бўлиб қолмаган.

Лолақизгалдоқни соғиниб яшайдиган одам

туманда биринчи бажарсангиз, мен ўзим сизни Ҳаж сарфига тавсия қиламан», дея ишонтирибди.

— Ният ҳолис экан, — дейди Абдуқодир ака, — ўша йили 12 иш кунда режани биринчи бўлиб бажардим. Қаранг, 10 гектарлик бир зўр еримиз бор эди, нақд 56 центнердан ҳосил берса-я... Ҳокимимиз ҳам ўз сўзида турди денг. Суриштириб, куткилаб ёрдам қилди. 2001 йил — Янги аср бошланишида муборак Ҳаж зиёратини воҳиб қилиб келдим. Оллоҳга минг қатла шуқр...

Абдуқодир мактаб ўқувчиси давридаёқ трактор бошқаришни ўрганган эди. Кейин Ҳамроқул Турсунқолов номли жамоа ҳўжалиғи трактор саройида ишлаш бошлади. Фарғона шаҳридаги 24-хунар-техника билим юртини битирди. Икки йил ҳарбий хизматини бажарди. Уйда бир ҳафта турмасдан яна ишга чиқди.

Ёш келса ишга, деганларидек, Абдуқодир Қўзибоевни ҳўжалик раҳбарлари чегарадаги 8-пудратга механизатор қилиб ишга юборишди. Ямбарак даштларидаги пудрат қишлоқдан 9-10 километр олдда эди.

— Қизиқиш катта, кейин ёшман, гайрат-шижоат ҳам бор-да, — дея ўша кунларни ёдга олди Абдуқодир ҳожи.

ичидан тош теравериб, қўлларимиз қабириб кетарди. Бошқа жойларга нисбатан икки-уч хисса кўп ишлайсиз-да. Кам деганда 15 марта культивация қиласиз, ҳафта-сига бир сув очманг-чи, пахта қоққан қозикдай, жойида завда бўлади-қолади.

Очерк

Абдуқодир ака хийл жим бўлиб, кейин кўзларини эҳтиёткорона пирпиратиб олгач, яна сўзини давом эттирди:

— Ўшанда узлуқсиз 17 йил тракторчи бўлиб ишладим. 1985 йил 17 ноябрга қадар Тирқашбой Нишонов пудрат бошлиғи эди. Ўша йили режа чиқмади. Мени пудрат бошлиғи этиб қўйишди. Вақт ўтаверар экан, шунга ҳам 19 йил бўлибди-я...

Уйчан, маънодор Абдуқодир акага зимдан разм соламан. Фейл-автори, муомаласи бир бошқача, ўзига ярашади. Бу далалар унга фарзанддек қадрдон, азиз. Ҳар қаричи қўзига тўғиб. Баланд-пастини текислаб, тошини териб, сувини бериб, ўғитини солиб, 41 йилдан буён қараб келаётган бўлсаю, қадрдон бўлмайдими? Ҳар қаричига меҳрини, эътиборини, қуч-гайратини баҳшида қилиб келаётган бўлсаю, бу далалар унга азиз бўлмайди-ми?!

бу боғ-роғлар ўз-ўзидан барпо этилмаган. «Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар мевая япроқ», деган гап бор. Ҳамма гап ана шу таёқни экишда, кўқартиришда. Ўйланг-чи, қўламан. Ўзга элларда яшаётган айрим ватангонлар ўзларини юрт-дегилар. Ватанпарвар деб кўрсатишади. Ҳолбуки, улар ўз юртида бирор туп кўчат кўқартиришганимкан? Далага эъзоз, ерга мевру муҳаббат қўйишганимкан? Йўқ, асло. Ундайларда бунга туйғу, бунга дийда бўлмайди.

— Ҳожи ота, ўтган 2004 йил Фарғона вилоятида оғир кечди, режа... — Оллоҳга шуқр, биз режаланган топшириқларни 118 фоизга бажардик. Мақтанди демайсиз-у, 20 йил пудрат бошлиғи бўлган бўлсам, бирор йил ҳам ер чиғиб қолган эмасман. Жамоамизда 40 нафар азё бор. Режа тўлдирилмадики, бу — ана шу оилаларнинг нони яримта бўлди, деган гап. Орийат, лафз қайда қолдию, субут, бурд қайда қолади бунда? Утган йили ҳам ширкат ҳўжалиғида биринчи, туманда учинчи бўлиб ишни урдаладик. 40 гектар ердан 22,9 центнердан ҳосил олдик. Қўшимча 16 тонна топширдик. Дашт, тош-шағалли ерда пахта ўстирагимиз-да...

Пудрат азёларининг манфаатдорлиги яхши. Қийин кечган, кўпчилик қарздор бўлиб қолган 2004 йилда ҳам пудрат азёси Зиёдахон Алимова 161 миң сўм, Дилоромхон Қўзибоева, Шарифахон Эргашева, Адхамжон Рустамов, Қозимжон Қорабоевлар 86-145 миң сўмдан пахтага қўшимча ҳақ олишган. Ҳар бир азёга пахта, дон, боғ ерлари тенг бўлиб берилган.

ишга ҳалал берапти. — Ўғит масаласида ҳам қийинчилик бор, — дейди Абдуқодир ака. — Илгари ҳар гектар ерда 80-90 миң тупдан кўчат бўлар эди. Пленка жорий бўлгач, кўчат сонини ошди. Мисол учун ўтган йили бизда ҳар гектарга ўртча 156 миң тупдан кўчат тўғри келди. «Озиқ-овқат», «масаллик» шунча кўчатга, барча ҳосилнинг пишишига етиши керакми, йўқми? Гектарига 400 килограмдан азотли ўғит солдик. Лекин бу кам. Менимча, 700 килограмдан ўғит тушса, зўр бўлади. Булар қони фойда. Деҳқонга фойда, давлатга фойда...

Дала шийони боғбони Ҳасанбой Дадажоновнинг қўли гул экан. У ниҳоятда кўркам, чиройли маскан соҳиби. Бу ерда барча гул туридан бор. 25 сотихли тоқзордан ўтган йили бир миллион сўмдан ошқ даромад олинди. Яна мол-қўй, товуқ дегандай пудратнинг кичик ёрдამчи ҳўжалиғи бор. Қўнига дала қозони қайнаса, сут, қатик, қаймоқ, тухум текин бўлса, деҳқонлар далага ошиқиб келаверади-да...

... ДЕҲҚОН деганининг дам олиш кўни бўлмайди. У на яқшанбани биледи, на байрамни. Бир пийла чойини ҳам далада, ўрик ёки тол салқинида, ариқ бўйига қўйилган сўрида ўтириб ичсагини хузур қилади, фароғат топади. Айнакка, иккита оқ қанди ёки новотни чойга солиб ичса танаси йрайди. Ҳатто қотиб қолган нонни чойга ивитиб еса ҳам... Бу завқ-шавқни, бу оханграбони деҳқончилик ҳеч қим хис эти олмайдик, сезмайди. Лолақизгалдоқларга бурканган далалар султони Абдуқодир ҳожи Қўзибоев эса ана шу хистуйғу, завқ шавқ билан ҳамоханг яшайди.

Қанча озғини пойламай, у ўтган йили «Шухрат» медалини олдим, Ватан муқофоти сазовор бўлдим, демади. Ким биледи яна, Ватанга меври, Ватанга гурури баланд одамлар шунча булармикин...

Собиржон ДАДАХҲАЖЕВ.

Спорт

Терма жамоага номзодлар

Марказий ҳарбий спорт клубида кураш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 400 га яқин курашчилар иштирок этди. Мусобақада ўғил болалар ўртасида республика Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Илҳом Қодиров, Бухоро вилоятидан Элбек Очилов ва Фаёз Файзуллаев, Чирчиқдан Мирзошир Сарбонов, Тошкент шаҳридан Жасур Ниёзов, Хоразм вилоятидан Нуриддин Исқандаров, Қарақўздан Фармон Қобулов, Андижон вилоятидан Бобур Қўватов ва Сурхондарёдан Бахтиёр Минглиқуллар ўз вази тоифаларида биринчи ўринни кўлга кiritдилар. Қизлар ўртасидаги баҳсларда андижонлик Гулшара Қаримова, Дилфуза Ҳўжақуллова, Гулчехра Момонова ва Дилноза Қамбарова, хоразмлик Мухайёр Сатторов ва хамда республика Олимпия захиралари коллежи талабаси Насиба Элмуродова ўз вази тоифаларида биринчи бўлишди. Энди голиблар орасидан мамлакат ўсмирлар терма жамоасига номзодлар саралаб олинди.

Марказий Осиё биринчилиги

Тошкентдаги Республика Олимпия захиралари коллежида энгил атлетика бўйича анъанавий Марказий Осиё биринчилиги яқунланди.

Унда мамлакатимиз спортчилари 207 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Қозогистон, учинчи ўрин эса Қирғизистон давлатлари энгил атлетикачиларига насиб этди.

Навбатдаги мусобақа май ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтади.

«Ника» яна пешқадам

Бухорода баскетбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати иккинчи давра ўйинлари ниҳоясига етди. Ушбу даврада ҳам Навоийнинг «Ника» жамоаси барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, ўз онокларини 20 тага етказиб олди. Иккинчи ўринда бораётган Бухоронинг «Университет» жамоаси ҳисобида 18 очко бор. Учинчи давра ўйинлари 4-9 апрель кунлари Тошкентда ўтказилди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

**«AVTOTRAK»** ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

...автомобилларга дизель ўрнатишга давлат патентларига эга ва тегишли бурортмалар қабул қилади.

Таямирланган кўчдаги эҳтиёт қисимларини СОТАДИ:

МТЗ дизели ўрнатишга, ЗИЛ-130, 555 ва автокранлар; автомобилларга мослаштирилган МТЗ дизеллари ва блок-«қоҳуҳлари» (центровқаланган); таямирланган ЗИЛ-130нинг мотори ва вклдишлар; распрелваллар; ЗИЛ-4331нинг распилителлари; «Икарус»нинг плунжерлари; «Алтай», «Авиа», «Камминз», ЮМЗларнинг валлари, блоклари...

**ДАСТЛАБИ ПАТЕНТ**

Нархлар — бозорниқидан арзон.

Энгил автомобилларга ҳам дизель ўрнатиш бўйича ФЕРМЕР ҳўжалиқлари, корхона ва тадбиркорларга кўмаклашамиз, филиаллар очамиз.

Дизель ўрнатишга ЗИЛ, ПАЗ... автомобиллари 100км.га 17-20л, энгил автомобиллар эса — УАЗ, ГАЗ-31... атиги 6-8 литр соларка сарфлайдилар! ФЕРМЕРНИНГ нияти — машина ва тракторларда БИР ХИЛ ёнғил, мой, эҳтиёт қисмлар... ишлатилиши — энди амалда!

Техамкорлик 2...3 баробар ошади!

Манзили Тошкент шаҳри, «Аэродромная» кўчаси, 5-уй. (Мўлжал: ТЭА, «6-Корпус») Телефонлар: 176-31-23, 66-46-65, 123-65-43.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қарорига асосан

**ХОАТЕ «БИЗНЕС БАНК» (МФО 00957)**

**ФАОЛИЯТИ ТУГАТЛИДИ.**

Мижозлар ва кредиторларнинг даъво эътирозлари эълон чоп этилган қўндам бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент ш., Мовароуннаҳр к., 13-а. Телефон: 120-50-30.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар қурилиш ишларини олиб бориш учун махсус лицензияга эга бўлган корхоналар ва пудратчи ташкилотлар диққатига!

**«Давархитектқурилиш» қўмитасига қарашли Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази танлов савдосини эълон қилади.**

Иншоотнинг номи —

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Жанубий-Ғарбий мудофаа ҳарбий округининг офицерлар уйи фасадини реконструкция қилиш ва бино атрофини ободонлаштириш.

Қурилиш тугаллаш муддати — 2005 йил, июль ойи.

Бурортмачи — Қарши шаҳар, Жанубий-Ғарбий мудофаа ҳарбий округининг Қарши уй-ҳойдан фойдаланиш қўмитаси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қўйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қўйиматининг камида 20 фоизи микдоридега айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк қарфоланомаси мажбудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи қучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўқшақ иншоотларни қуриш бўйича тахрибиаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳўжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиса — Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиса томонидан юқоридега қўратилган манзилда қабул қилинади.

**Бир шўплам тендер ҳўжатларининг нархи — 60000 сўм.**

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисага тақдим этишнинг охири муддати — оферталар очилиш кўни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази бинасидега ўтказилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК УЙ-ЖОЙ ЖАМҒАРМА БАНКИ**

**«ЎЗУЙЖОЙ ЖАМҒАРМА БАНК»**

акциядорлари диққатига!

«Ўзуйжойжамғармабанк» кенгаши шунини маълум қиладики, 2005 йилнинг 15 апрель кўни соат 11<sup>00</sup> да, Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 9-уйда жойлашган «Ўзуйжойжамғармабанк» Меҳнат филиалининг мажлислар заллида «Ўзуйжойжамғармабанк» акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

**КўН ТАРТИБИ:**

1. Банк фаолиятининг 2004 йил натижалари бўйича банк бошқаруvinинг ҳисоботи.
2. Банк фаолиятининг 2004 йил натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. 2004 йил учун банк бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлаш.
4. 2004 йил натижалари бўйича «Ўзуйжойжамғармабанк» фойдасини тақсимлаш.
5. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банкларининг бирлаштириш муносабати билан «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банкни ташкил этилиши ҳақида.
6. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банкларининг бирлаштириш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш.
7. Олиди-берди далолатномасини тасдиқлаш.
8. Акцияларнинг баҳосини белгилаш.
9. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банклари акциядорларининг қўшма йиғилиши ўтказиладиган сана ва кўн тартибини тасдиқлаш.

2005 йилнинг 16 март ҳолати бўйича «Ўзуйжойжамғармабанк» акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатта олиш соат 10<sup>00</sup> дан бошланади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 136-03-88; 132-12-93.

«Ўзуйжойжамғармабанк» кенгаши.

«733-ҚМП» ОАЖ Тошкент шаҳар, Ҳўжалик судининг 2002 йил 12 сентябрдаги 10-0211/2317-сонли қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган. Корхона тугатилиши муносабати билан тугатилган қўмитаси охири тўловни 2004 йил 29 ноябрда амалга оширган. «733-ҚМП» ОАЖ тугатилиш ишлари 2004 йил 30 декабрда яқунланди ва 916-сон билан давлат реестридан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси ўзбек мунотз алабети тарихи бўлимнинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Нодирхон Ҳасановга она-си	Тошкент кимё-технология институти жамоаси Электронмикёмий ишлаб чиқариш цинки бошлиғи, профессор Фарҳод ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила азёзларига чўқур таззия изҳор қилади.	«O'zeoburg'neftgazqazibchiqarish» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Андликонефт» ОАЖнинг собиқ бош геологи Раҳимберди ХўЖАМБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила азёзлари ва яқинларига чўқур таззия изҳор этади.
Кароматхон ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдирад.	Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси институтининг Санъатшунослик кафедраси доценти Мели Норматовга рафиқаси Луффи ва НОРМАТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.	«O'zeoburg'neftgazqazibchiqarish» акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси «Шуртаннефтгаз» УШКен бош ҳисобчиси Алаберди Назаровнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила азёзлари ва яқинларига чўқур таззия изҳор этади.

**Халқ сўзи** Народное слово

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатта олинган. Бюротма Г — 261. 32634 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мишқақлар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди. Тахририятда ҳажми 5 ҳоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. [ ] Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — Б. Фодуров. Мусахҳҳх — М. Якубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳўза яқуни — 21.00 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5